



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 8 апрель, № 67 (5997)

Сешанба

БАРКАМОЛ АВЛОД — ИШОНЧИМИЗ ВА ҒУРУРИМИЗ



Ёшлар камолоти, манфаати, ёруғ иқболи, бахту саодати — “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат”ни барпо этишдек улуғвор мақсадимизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Чунки давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “ёшлар эртанги қунимизнинг ишончи ва таянчидир”.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Президентимиз ташаббуси билан 2014 йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор ҳам айнан шу йўлдаги саъй-ҳаракатларнинг янада юксак босқичга кўтарилишини тасдиқлаб беради.

Агар ўтган йилларга назар ташласак, деярли ҳар бир йилда ёшлар истиқ-боли, жисмоний саломатлиги ва маънавий камолоти йўлида улкан эзгу

ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз.

Бугун ёшларимиз ҳеч кимдан кам эмас. Улар халқимиз, Президентимиз, давлатимиз ардоғида.

— Истиклол йилларида камол топиб, муваффақиятга эришаётган ёшлар сафида эканлигимдан ҳамиша фахрланаман, — дейди Сурхондарё вилоятидаги Ангор педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси Сарвиноз Шайдуллаева. — Яратиб берилган шарт-шароит тўғрисида болалигимданок спортнинг айкидо тури билан

шуғулланаман. Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, 1-ДАН “Қора белбоғ” соҳибасиман. 2011 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда, 2012 йили Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада 1-урини, Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 2-урини кўлга киритдим. 2013 йилда ҳаётимда унутилмас воқеа рўй берди. Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотида лойиқ қўрилдим. Хориждаги мусобақаларда қатнашиб,

гувоҳи бўламизки, у ердаги тенгдошларимиз бизга ўзгача ҳавас билан қарашади. Буни ютуқларимиз ҳақида тўқинланиб, хайратланиб гапиришларидан билса бўлади. Биз бундай ҳавасга муносиб бўлишимиз керак. Чунки телевизорда кўриб, интернет орқали хабардор бўлиб турибмизки, айрим мамлакатларда кунда-кунора уруш-тўполон, баъзи давлатларда турли инқирозларга дуч келинапти.

(Давоми 2-бетда).



АНЖУМАН

Пойтахтимизда 7 апрель — Жаҳон саломатлик кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, шифокорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Фаровон турмушнинг мустаҳкам пойдевори

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда Президентимиз ташаббуси билан яратилган соғлиқни сақлаш бўйича миллий модель мамлакатимизда инсон манфаатларини муҳофизлаш ҳамда халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришда юксак самаралар бераётганини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, юртимизда аҳолига бирламчи тиббий-профилактика хизмати, шошилинка ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофазалашнинг самарали тизими шакллантирилди. Аҳолига замонавий тиббий хизматни янада яқинлаштириш мақсадида вилоятларда кўп тармоқли тиббий диагностика марказлари ташкил этилди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оила-

да соғлом фарзандларни камолга етказиш вазифаси умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётди.

Шу билан бирга, тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базасини такомиллаштириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётди. Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳажми йилдан-йилга кўпаймоқда.

(Давоми 2-бетда).



СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИЗЧИЛ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

Бугун мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини, қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоялашнинг ишончли кафолатини яратишга қаратилган ислохотлар изчил олиб борилмоқда. Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқирилиши кутилаётган “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам ушбу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мухбиримизнинг парламент юқори палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Эркин РЎЗМЕТОВ билан суҳбати низомга киритилаётган янгилликлар ҳақида бўлди.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

— Президентимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, судларнинг ҳолислиги ва мус-

тақиллигини таъминлаш, уларни жазоловчи органдан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга

қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди, — дейди сенатор. — Ислохотлар жараёнида судларнинг ваколатлари изчил кенгайтириб борилди, одил судловни

амалга оширишда улар ҳолислигининг ва мустақиллигининг кафолатлари мустаҳкамланди. Судгача иш юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Миллий қонунчилигимизга “Хабеас корпус” институти жорий этилди, яъни қамокқа олишга санкция бериш, шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштиришдек процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқи судларга ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).



www.xs.uz

«Халқ сўзи»
газетаси сайтида ўқинг

МУСТАҚИЛ САЙЛОВ ТИЗИМИ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ — ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Конституциямизга киритилаётган тузатишлар парламентимиз юқори палатаси аъзолари томонидан кўриб чиқилади.

Халқ сўзи
Наровон сарво

Яратиш ва яшариш фасли

Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, “Наврўзи олам ўлкамизга қадам қўйиши билан ҳар биримиз ён-атрофимиздаги мавжудотнинг уйғониши, куртаклар ва гул-чечаклар очилиши, еру кўк бағрида юз бераётган ўзгаришлардан, баҳор нафасидан баҳраманд бўламиз, она-табиатимизнинг узвий ва ажралмас бир қисми эканлигини беихтиёр чуқур ҳис қиламиз”.

КАДРИЯТ

Дарҳақиқат, юртдошларимизнинг кўклам келиши билан ҳашарлар уюштириб, шаҳару қишлоқларни ободонлаштириш, кўчат ўтказиб, боғ-роғлар яратиши бунинг яққол тасдиғидир. Бу миллий удумимизнинг кўлами Соғлом бола йили баҳорида янада кенгайганини алоҳида қайд этиш зарур. Сабаби,

мамлакатимизда “Ҳар бир фарзанд учун бир туп кўчат” шиори остида мевали ва манзарали дархат кўчатлари экиш, гулзорлар бунёд қилиш ишлари жадал олиб борилаёпти. Хусусан, Хоразм вилоятида ҳам бундай хайрли тадбирлар уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Жорий мавсумда 8 миллион 600 минг туп

мевали ҳамда манзарали дархат кўчати ўтказиш мўлжалланган бўлса, амалда эса бугунги кунгача 8 миллион 650 минг туп турфа хил ниҳол ерга қадалгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Таъкидлаш керакики, Наврўз байрами арафасида ташкил этилган умумхалқ хайрия ҳашарида 722 мингдан ортиқ киши иштирок этиб, уларнинг фидокорона меҳнати туфайли 4242 гектар майдон ободонлаштирилди, 1021 километр узунликдаги ариқлар тозаланди, 397 та қабристон ҳамда зиёратгоҳ саранжом-сарихта қилинди.

(Давоми 2-бетда).



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида “Конституциявий ислохотларни амалга ошириш жараёнида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИНИНГ МАҚСАДИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДИР

Тадбир иштирокчилари — парламент аъзолари, илмий ва юридик жамоатчилик вакиллари, экспертлар, судьялар, адвокатлар ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламентга киритилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) ги қонуннинг қоидаларини атрофлича муҳокама этдилар. Давра суҳбати иштирокчилари қонуннинг давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши конституциявий принципини изчиллик билан амалга ошириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларининг мустақиллигини, ваколатлари мутаносиблигини, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашдаги аҳамиятини таъкидладилар.

Тадбирда Конституциянинг янги таҳрирда тақлиф этилаётган 98-моддасига алоҳида эътибор қаратилди. Давлат ҳокимияти субъектлари — Президент, парламент, ҳукумат ўртасидаги ваколатларни мақбул равишда тақсимлаш талабларини инобатга олган ҳолда, ушбу моддада Вазирлар

Маҳкамасининг вазифалари ҳамда ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда. Айни пайтда мазкур модданинг нормалари, бир томондан, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини тартибга солувчи бир қанча қонун ҳужжатлари қоидаларини конституциявий даражага кўтариб, иккинчи томондан, ҳукуматнинг ваколатларини кенгайтиради ва аниқлаштиради, бу ваколатларни амалга оширишнинг конституциявий механизмларини белгилаб беради.

Конституциянинг мазкур моддасининг амалдаги таҳририда белгилаб қўйилганидек, Вазирлар Маҳкамаси зиммасига самарали иқтисодий, ижтимоий сиёсат олиб бориш масъулияти юкланган. Энди унинг зиммасига молиявий, пул-кредит сиёсатини юритиш, шунингдек, фан, маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масъулияти ҳам юкланмоқда.

Ана шу модданинг янги таҳририда ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йили Олий Мажлисга маърузалар тақдим этиш мажбурияти ҳам белгиланмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси 2014 йил 10 апрель кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2014 йил 9 апрель кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатга олинади.

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ

ЙЎЛИДА



Миллий банк қошидаги “*NBU investment*” очик акциядорлик жамияти томонидан киритилган сармоя “Наманган қoғoзи” МЧЖнинг молиявий соғломлаштирилишида муҳим аҳамият касб этди.

Сармоя — юксалиш кафолати

Айни пайтда бу ерда ёзув ва офсет, шунингдек, картон қoғoзи ишлаб чиқарилаёпти. Яқинда ушбу маҳсулотлар қаторига қoғoз қоп, ҳўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган крафт ҳамда бошқа турдаги ўров қoғoзлари ҳам қўшилди. Мамлакат истеъмол бозорига ўз ўрнини тобора мустақамлаётган мазкур корхонада ўтган йили 1,8 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрланди.

Айни пайтда Германия ва вьетнамлик ҳамкорлар кўмағида навбатдаги лойиҳа амалга оширилмоқда. У якунига етган, корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати ортади ва маҳсулот экспорти йўлга қўйилади.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Компьютер назорат қилади

Замонавий технологиялар қишлоқ ҳўжалиги, шу жумладан, паррандачилик соҳасига ҳам жадал кириб бормоқда.

Буни яқинда ташкил топган, энг сўнгги русумдаги усқуналар билан жиҳозланган “Ғиждувон замин савдо” масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Фабуриқда 60 мингдан зиёд товуқ парвариш қилинмоқда, — дейди лойиҳа ташаббускорларидан бири Мирзо Уринов. — Бу ерда барча жараён компьютерлар воситасида амалга оширилади. Яъни мутахассисларимиз махсус дастур тузиб, уни компьютер хотирасига киритади. “Ақли машиналар” эса иш-

нинг боришини назорат қилади. Бизнес лойиҳамизни банк муассасаси 2 миллиард 400 миллион сўмлик кредит ажратиш билан қўллаб-қувватлади. Айни чоғда бу ерда 32 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Жорий йилда вилоят тижорат банклари томонидан “Ғиждувон замин савдо” каби кичик бизнес субъектларига жами 410 миллиард сўмликдан зиёд кредитлар ажратилиши ва 23 минг 722 та иш ўрни яратиш белгиланган.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Совғага — глобус

Қибрайлик Бобуржон Зокиров пойтахтимиздаги Турин политехника университетиди таҳсил олиш билан бирга, “Зиё-глобус” хусусий корхонасига раҳбарлик қилади. Ҳозирги кунда корхонада 20 турдан зиёд ўқув-услубий анжомлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Интернет тармоғида шундай маълумотга қўзим тушди, — дейди тадбиркор. — У ерда қайд этилишича, таълим муассасаларидаги ўқув-машгулотларда кенг фойдаланиладиган глобуслар нафақат юртимизга, балки қўшни минтақаларга ҳам хориждан келтирилар экан. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, илмий асосланган хариталардан фойдаланган ҳолда, турли ўлчамларда Ер шарни моделларини тайёрлашни ўзлаштирдик.

Ёш тадбиркорнинг ташаббуси зое кетмади. Ўтган йили ички бозорга чиқарилган дастлабки 3 минг дона глобус харидорларини жуда тез топди. Бундан руҳланган жамоа маҳсулот ҳажмини кўпайтириш баробарида, янги такомиллашган моделлар устида иزلанмоқда. Яқиндан бошлаб глобуснинг офислар учун мўлжалланган ва совғабоп турлари ҳам тайёрлана бошланди.

Тадбиркор талаба ўз тақлифларини ташқи бозорларга ҳам йўллаган. Бу “Зиё-глобус” маҳсулотлари ҳадемай экспортга ҳам чиқади, дегандир.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қўшимча иссиқлик манбаларига зарурат йўқ

Ёёёвон туманидаги Хонобод қишлоғи аҳолиси лимон етиштиришнинг янги а усулини топди.

Туман Фаргона водийсининг сизот сувлари юзга яқин ҳудудда жойлашган. Ер икки-уч метр қавланса, сувнинг табиий ҳарорати сезилиб туради. Хонободликлар табиатнинг ана шу имкониятидан самарали фойдаланиб, энергия талаб қилмайдиган иссиқхона яратишди. Яъни ер 2 метр-

ча қавланиб, усти плёнка билан беркитилади. Қўшимча иссиқлик манбаларидан фойдаланишга ҳам зарурат йўқ.

Ана шундай янги усулда лимон етиштираётган Мамасиддиқ Собиров 15 сотихлик иссиқхонасидан бир тоннага яқин ҳосил узди.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Натижада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги умумэтироф этилган принциплар ва халқро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилиши таъминланди. Мамлакатимиз-

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИЗЧИЛ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

да демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши эса бу борада янги босқични бошлаб берди. Эътиборли жиҳати, бу ўзгаришлар халқро ҳамжамият, экспертлар ва ҳуқуқшуносларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

— Низомни янги таҳрирда қабул қилишга қандай зарурат туғилди?

— Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда кечаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида судлар фаолиятини ташкил этиш, судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга кўрсатиш тизими изчил такомиллашиб бормоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан сўнгги йил-

ларда суд тизими фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга қаратилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга жорий этилгани, чунончи, суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилаш ҳамда судлар фаолиятини янада такомил-

ҳуқуқшунослар иштирокида кенг муҳокама қилиниб, маромига етказилди. Бунда ҳар бир сиёсий партия фракцияси депутатлик гуруҳи ўз дастури ва сайловолди платформасида келиб чиқиб, муҳим тақлифлар киритганини айтиш зарур. Қонун Олий

Мажлис Сенатига келиб тушгач, қўмита томонидан мутасадди идоралар вакиллари, экспертлар ва мутахассислардан иборат тузилган ишчи гуруҳ ўшбу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиб чиқди. Ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда сенаторлар ўшбу ҳужжатда акс этаётган қоидаларнинг Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотларга уйғунлиги, аҳамиятини атрофлича таҳлил қилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими биноан, Олий суд, Олий ҳўжалик судини сайлаш Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатига киради. Сенаторлар айнан шу нуқтаи назардан ҳам янги таҳрирдаги низомнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратишди.

— Янги таҳрирдаги низом билан жорий этилаётган қоидалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Аввало, шуни айтиш керакки, янги таҳрирдаги низомда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган ном-

зодлар заҳирасини шакллантириш механизми такомиллаштирилмоқда. Яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ва жойлардаги тегишли малака хайъатларининг вазифалари янада аниқлаштирилмоқда. Эътиборли жиҳати, ўшбу ҳужжатда кадрлар заҳирасини шакллантириш жараёнида бошқа идоралар, шунингдек, адлия, прокуратура, ички ишлар идораларининг иштирок этиши тартиб-таомиллари ҳам ўз ифодасини топмоқда. Шу билан бирга, судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган заҳирадаги номзодлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузури-

даги Юристлар малакасини ошириш марказида ўқиши ва мамлакатимизнинг тегишли судларига стажировка ўташи шартлиги белгилаб қўйилмоқда. Бу, экспертларнинг фикрича, судьяликка номзодларнинг зарур тайёргарликдан ўтишида муҳим аҳамият касб этади. Бу тартиб-таомиллар, ўз навбатида, судьялик лавозимига заҳирада турган номзодлардан амалдаги қонун ҳужжатларига, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмун-моҳиятига доир билим, кўникма ҳамда тажрибаларини ошириб боришини талаб қилади.

Янги таҳрирдаги низомда судьяларни янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимига кўрсатиш масалаларига оид қоидалар ҳам янада такомиллаштирилди. Унга кўра, ўшбу тоифадаги кадрларнинг тегишли ҳужжатларини ўрганиш, улар билан суҳбатлар ўтказиш, ўрганиш натижаси бўйича ҳулосалар тайёрлаш тартиби қайтадан кўриб чиқилди. Бу янгиликлар судьяларни янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимига тавсия этиш жараёнининг очиқлигини, демократик ва ҳолис бўлишини таъминлайди.

Қобил ХИДИРОВ
суҳбатлашди.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИНИНГ МАҚСАДИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДИР

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Давра суҳбатида қайд этилганидек, Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллигини таъминлаш ва айни вақтда жавобгарлигини оширишга қаратилган бу қоидалар Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституциявий ривожланишининг мантикий йўли, давлат ва жамият қурилиши соҳасида олиб борилаётган босқичма-босқич, изчил ислохотлар талабидир.

Конституцияга тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши норма ижодкорлиги фаолиятини, шунингдек, ҳуқуқнинг қўлла-ниш амалиётини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини талаб этаётгани ҳам таъкидланди. Конституциявий тузатишларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилишга йўналтирилган қонун лойиҳаларини вақтида тайёрлашни таъминлаш, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг таъкилий-ҳуқуқий механизмларини Конституциянинг 98-моддасида ҳуқуқматга берилаётган ваколатларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш юзасидан изчил иш олиб бориш, шунингдек, қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётига уларнинг фаолияти устидан жамоат ва парламент назоратини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши устидан самарали, изчил мониторинг ҳамда назоратни ташкил этиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш лозим.

Давлат ҳокимиятини демократлаштириш жараёни мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтларининг етуқлик даражаси инобатга олинган ҳолда, босқичма-босқич, изчиллик билан ривожланиб бормоқда.

(ЎзА).

Фаровон турмушнинг мустақкам пойдевори

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Анжуманда мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ҳасталикларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Бинобарин, мамлакатимизда жорий йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши ҳамда шу асосда Давлат дастури қабул қилиниши муносабати билан ҳуқуқмат-

миз томонидан муҳим вазифалар белгилаб берилди. Айни пайтда Дастурда кўзда тутилган долзарб вазифаларни амалга оширишда давлат, жамоат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг ҳамкорлиги самарали бўлаётди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб берилди.

О. ФАЙЗЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



БАРКАМОЛ АВЛОД — ИШОНЧИМИЗ ВА ФУРУРИМИЗ

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Юртимизда эса тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон. Мана шундай осуда ҳаётнинг қадрига етиш биз, ёшлардан, айниқса, катта масъулият талаб этади.

Юртимизда Сарвинозга ўхшаб юксак муваффақиятларни қўлга киритаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса, табиийки, уларнинг истикболини ўйлаб олиб борилаётган эзгу ислохотлар самарасидир. Бинобарин, қайд этганимиздек, истикпол даврида ҳар бир йилга ўзига хос ном берилиши замирида ҳам ёшлар тақдирига кўрсатилаётган ғамхўрлик муҳассам. Хусусан, “Обод турмуш йили” Давлат дастурини амалга оширишда таълим соҳасини ривожлантиришга янада эътибор қучайтирилди.

Натижада 2013 йилда мамлакатимизда 756 та таълим маскани, мусика ва санъат мактаблари, болалар спорт объектлари янгитдан қурилди, ре-

конструкция қилинди ҳамда капитал таъмирланди. Замонавий компьютер синфлари, ўқув лабораториялари, устакхоналар ташкил этилиб, зарур асбоб-усқуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, республикамизда умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб хорижий тилларни чуқур ўрганиш йўлга қўйилди. Бу эса, албатта, фарзандларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларини эгаллаши, етуқ малакали кадрлар бўлиб етишиши учун янги имкониятлар очиб бериши билан айниқса муҳимдир.

Эзуқликка йўғрилган бундай ишларнинг табиий маҳсули ва натижаси ёшларимиз қўлга киритаётган ютуқларда яққол намоён бўлмоқда. Президентимиз Асосий Қонунимиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган танта-нада навқирон авлод вакиллари эришган ютуқларни алоҳида таъкидлаб, шундай деган эдилар:

“...Тошкент шаҳрида ўтказилган 47-халқро Менделеев олимпиадасида юртимиз ўқувчилари биринчи ўрнини эгаллагани ҳаммамизга мамнуният етказди. Ватанимизнинг шону шуҳратини бутун дунёга таранум этаётган, сафлари тобора кенгайиб бораётган бундай фарзандларимизни ҳар қанча қўллаб-қувватласак, ҳар қанча эъзозласак, арзийди, албатта...”

— Давлатимиз раҳбарининг ўшбу қанотбахш сўзлари барча юртдошларимиз каби бизни ҳам беҳад тўлқинлантириб юборди, — дейди Ўзбекистон Миллий университетининг С. Сирождидинов номида-

ги академик лицейи ўқувчиси, 47-халқро Менделеев олимпиадасида олтин медални қўлга киритган Дилшода Ортиқбоева. — Зеро, эътибор бор бўлади. Агар бизда ҳар қанча истеъдод, ҳар қанча иқтидор бўлмасин, у қўллаб-қувватланмаса, сайқал топмайди. Шу маънода, биз бугунги тақдиримиздан беҳад миннатдоримиз. Таълим соҳасида яратилган шарт-шароитлар, ўз салоҳиятимизни намоён этиш ва касб ўрганиш борасидаги имкониятлар учун Президентимиз Ислам Каримовдан беҳад миннатдоримиз.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

атрофида ҳам улкан ишлар рўёбга чиқарилаяпти. Аслида, дарахт экиш — савобли амал. Шундай экан, юртимизни бог-роғларга бурқайлик. Бугун қадалган ниҳол икки-уч йилдан сўнг ширин-шакар мева бера бошлайдики, бу дастурхонимизни янада тўқин, турмушимизни обод, юртимиз экотизимини яхшилашга ҳизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Баҳодир БОБОЖОНОВ,
«Нуроний» жамғармасининг
Хоразм вилояти бўлими
кенгаши раиси.

Яратиш ва яшариш фасли

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шу билан бирга, 2 миллион туپдан зиёд манзарали, 1 миллион 700 минг туپдан кўпроқ мевали дарахт, 1 миллион туپга яқин гул қўчати ўтказилди, 6 миллион туپ дарахтга шакл берилди. Ҳазорасп туманида эса 300 гектар майдонга саксову қўчатлари екилиб, янги ўрмонзорлар яратилгани, айниқса, диққатга сазовор.

Аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг арча ниҳолларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга Шовот туманидаги “Анор” фермер ҳўжалиги жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти. Фермер ҳўжаликларида 182 гектар майдонда боғлар барпо этилди. Шундан 50 гектари интенсив бог, 74 гектари тоқдордир.

Бугун кўҳна Хоразмнинг қай бири гўшагига борманг, кенг қўламли

бунёдкорлик ишларини кўриб, ҳайратга тушасиз, завқланасиз. Жумладан, “Урганччи гуллар шаҳрига айлантирамиз” шиори остида бу ерда қўчаларни кенгайтириш, замонавий кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий-иқтисодий соҳа объектлари барпо этиш борасида амалга ошири-лаётган ишларга ҳамоҳанг, қўла-ламзорлаштириш ва ободонлаштириш юмушлари ҳам баҳарийла-

ётгани таҳсинга лойиқ. Ушбу эзгу ташаббус вилоят хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЁИҲ вилоят кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватлангани натижасида нафақат марказий қўчалар ҳамда корхона ва ташкилот биланлари атрофида, балки барча маҳаллада, шу жумладан, кўп қаватли тураржойлар

ЖАХОН

24

СОАТ ИЧИДА

Ирландиянинг “Ryanair” авиакомпанияси март ойида якунига етган навбатдаги молиявий йил бўйича ҳисоботларини эълон қилди.

Йилни муваффақиятли якунлади

“The Wall Street Journal” нашрида ёзилишича, ушбу давр компания учун жудаю муваффақиятли кечди. Хусусан, у 81,7 миллион нафар йўловчига хизмат кўрсатиб, бу борада ўзига хос рекорд ўрнатди. Аммо жорий йилнинг ўтган ойида “Ryanair” фаолияти бир оз секинлашди. Яъни йўловчи ташиш ҳажми 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 4 фоиз пасайган. Бу сайёҳлар оқимининг камийгани билан изоҳланмоқда.

Таиланд шимол-шарқидagi Лей провинциясидаги автотрасса-лардан бирида муҳиш воқеа рўй берди.

Юқори тезлик оқибати

Хорижий оммавий ахборот воситалари хабарига қараганда, ишчиларни олиб кетаётган юк машинаси йўлнинг кескин бурилиш қисмида мувозанатни йўқотиб, ағдарилган. Бунга хайдовчининг ушбу ҳудудда тезликни белгиланган меъёрдан ошириб юборгани сабаб бўлган. Оқибатда 10 киши ҳаётдан кўз юмган, 18 нафар одам эса турли даражада тан жароҳати олган.

Энг катта океанариум

Хитойнинг Хенкин оролида дунёдаги энг катта океанариум ишга тушди.

Лойиҳа қиймати 810 миллион АҚШ доллариға тенг бўлган мазкур иншоотни барпо этишга уч йил вақт сарфланди. У бир йўла бешта рекордни янгилади, шу жумладан, энг қиммат океанариум сифатида Гиннесснинг рекордлар китобига киритилди.

Океанариум 132 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, сифими 22,7 миллион литрга тенг. Бу ерга ташриф буюрувчиларға еттигата алоҳида бўлимда хизмат кўрсатилади. Улар орасида 3D кинотеатри ва цирк ҳам бор.

Зилзила рўй берди

Грецияда 5,6 балли зилзила содир бўлди.

Табийи офат маркази Гидра оролидан 30 километр узоқликда қайд этилди.

Талафотлар ёки жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Айтиш жоизки, Греция сейсмик шу йилнинг февраль ойи бошида Кефалония оролида рўй берган зилзила натижасида юзлаб бинолар вайронага айланганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов куйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизацйялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида таътибқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; **E-mail:** pdf.fund@gmail.com
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент труба заводи» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларға тақдим этади.

Мисланган пайвандлаш сими
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70,
Ø 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.

Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,
Ø 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.

Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари: 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20 ҳажмли, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 29 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Олмазор тумани СИБ томонидан ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 22 майдаги 1-1727/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чорсу даҳаси, 15-уй, 20-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 66,22 кв.м., тураржой майдони 42,63 кв.м. бўлган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.

II. Олмазор тумани СИБ томонидан ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 28 октябрдаги 1-4203/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 2-Қорақамиш (собик Каланов) кўчаси, 1-уй, 12-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 69,12 кв.м., тураржой майдони 38,68 кв.м. бўлган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 54 479 636, 12 сўм.

III. Олмазор тумани СИБ томонидан ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 14 ноябрдаги 1-4196/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Олча тор кўчаси, 29-уйда жойлашган, умумий ер майдони 373,60 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 108,41 кв.м. бўлган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.

IV. Чилонзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 3 июндаги ЖСҚ-1-17/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бешқўрғон (собик Турсунхўжаев) кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 1 679 кв.м. бўлган нотураржой.

Бошланғич баҳоси — 264 874 733 сўм.

V. Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўлими Олмазор тумани судининг 2013 йил 8 октябрдаги 1-764/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Обиҳаёт кўчаси, 1-уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар мулкий мажмуа сифатида савдоға қўйилган:

- Блок «А», умумий майдони 4 914 кв.м. бўлган маъмурий бино.
- Бошланғич баҳоси — 2 177 064 750 сўм.**
- Блок «А1», умумий майдони 54 кв.м. бўлган ўтиш биноси.
- Бошланғич баҳоси — 16 135 919 сўм.**
- Блок «А2», умумий майдони 413 кв.м. бўлган идора биноси.
- Бошланғич баҳоси — 8 833 723 сўм.**
- Блок «А2», умумий майдони 486 кв.м. бўлган идора биноси.
- Бошланғич баҳоси — 89 147 398 сўм.**
- Блок «В», умумий майдони 15 145 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.
- Бошланғич баҳоси — 7 081 712 222 сўм.**
- Блок «Г», умумий майдони 468 кв.м. бўлган нейтраллаш биноси.
- Бошланғич баҳоси — 103 268 682 сўм.**
- Блок «Д», умумий майдони 702 кв.м. бўлган цех биноси.
- Бошланғич баҳоси — 82 955 561 сўм.**
- Блок «Е», умумий майдони 1 080 кв.м. бўлган омборхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 343 469 433 сўм.**
- Блок «Ж», умумий майдони 1 891 кв.м. бўлган омборхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 1 027 216 664 сўм.**
- Блок «Ж1», умумий майдони 111 кв.м. бўлган бостирма (навес).
- Бошланғич баҳоси — 11 324 268 сўм.**
- Блок «З», умумий майдони 2 684 кв.м. бўлган иссиқхона иншооти.
- Бошланғич баҳоси — 485 593 187 сўм.**
- Блок «К», умумий майдони 170 кв.м. бўлган идора биноси.
- Бошланғич баҳоси — 62 530 262 сўм.**
- Блок «М», умумий майдони 34 кв.м. бўлган қозонхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 13 209 800 сўм.**
- Блок «Н», умумий майдони 106 кв.м. бўлган омборхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 35 938 140 сўм.**
- Блок «О», умумий майдони 1 495 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси.
- Бошланғич баҳоси — 2 182 350 784 сўм.**
- Блок «П», умумий майдони 298 кв.м. бўлган компрессор биноси.
- Бошланғич баҳоси — 127 427 978 сўм.**
- Блок «П1», умумий майдони 116 кв.м. бўлган бостирма.
- Бошланғич баҳоси — 9 861 975 сўм.**

- Блок «П2», умумий майдони 62 кв.м. бўлган бостирма.
- Бошланғич баҳоси — 5 341 336 сўм.**
- Блок «Р», умумий майдони 409 кв.м. бўлган насосхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 159 250 779 сўм.**
- Блок «Р1», умумий майдони 128 кв.м. бўлган бостирма.
- Бошланғич баҳоси — 10 301 796 сўм.**
- Блок «С», умумий майдони 1 728 кв.м. бўлган вентиляция биноси.
- Бошланғич баҳоси — 981 922 489 сўм.**
- Блок «Т», умумий майдони 576 кв.м. бўлган цех биноси.
- Бошланғич баҳоси — 125 213 861 сўм.**
- Блок «Т1», умумий майдони 52 кв.м. бўлган омборхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 18 026 218 сўм.**
- Блок «Т2», умумий майдони 128 кв.м. бўлган бостирма.
- Бошланғич баҳоси — 47 489 015 сўм.**
- Блок «Т3», умумий майдони 96 кв.м. бўлган бостирма.
- Бошланғич баҳоси — 5 692 669 сўм.**
- Блок «Ф», умумий майдони 18 кв.м. бўлган қоровулхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 6 449 535 сўм.**
- Блок «Х», умумий майдони 720 кв.м. бўлган омборхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 348 585 952 сўм.**
- Блок «Ц», умумий майдони 128 кв.м. бўлган чилангарлик биноси.
- Бошланғич баҳоси — 33 503 233 сўм.**
- Блок «Ч», умумий майдони 603 кв.м. бўлган омборхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 176 867 800 сўм.**
- Блок «Ч3», умумий майдони 83 кв.м. бўлган омборхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 21 266 717 сўм.**
- Блок «Ш», умумий майдони 14 кв.м. бўлган ёрдамчи бино.
- Бошланғич баҳоси — 2 228 177 сўм.**
- Блок «Э», умумий майдони 102 кв.м. бўлган бостирма.
- Бошланғич баҳоси — 8 324 867 сўм.**
- Блок «Ю1», умумий майдони 191 кв.м. бўлган бостирма.
- Бошланғич баҳоси — 17 320 802 сўм.**
- Блок «Ю3», умумий майдони 2 684 кв.м. бўлган бостирма.
- Бошланғич баҳоси — 173 700 782 сўм.**
- Блок «Б», умумий майдони 19 205 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.
- Бошланғич баҳоси — 8 980 147 213 сўм.**
- Блок «И», умумий майдони 1 080 кв.м. бўлган омборхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 762 907 889 сўм.**
- Блок «Б1», умумий майдони 72 кв.м. бўлган эгалик ҳуқуқи аниқланмаган бостирма.
- Бошланғич баҳоси — 7 345 471 сўм.**
- Блок «Л», умумий майдони 320 кв.м. бўлган эгалик ҳуқуқи аниқланмаган қуриш (сушилка) биноси.
- Бошланғич баҳоси — 56 637 582 сўм.**
- Блок «Ю2», умумий майдони 1 851 кв.м. бўлган бостирма.
- Бошланғич баҳоси — 142 678 972 сўм.**
- Блок «У», умумий майдони 161 кв.м. бўлган ёнгиндан сақлаш биноси.
- Бошланғич баҳоси — 50 434 131 сўм.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.

Хизматлар лицензияланган.

Соғлиқни сақлаш бошқармалари

ва давлат идоралари, ташкилотлар ҳамда корхоналар раҳбарлари диққатиға!

2013/2014 ўқув йилида давлат гранти ва тўлов-контракт асосида Андижон давлат тиббиёт институтида тахсил олган бакалаврият ва магистратура йўналишлари битирувчиларининг вилоятлар кесими бўйича истиқомат қилувчилар ҳақида маълумот

Магистратура мутахассисликлари

Андижон вилояти бўйича:

- Акушерлик ва гинекология — 2 нафар бюджет ва 10 нафар тўлов-контракт.
- Жарроҳлик — 2 нафар бюджет ва 6 нафар тўлов-контракт.
- Кардиология — 2 нафар бюджет ва 4 нафар тўлов-контракт.
- Ички касалликлар (терапия) — 1 нафар бюджет, 3 нафар тўлов-контракт.
- Болалар юқумли касалликлари — 1 нафар бюджет, 1 нафар тўлов-контракт.
- Болалар жарроҳлиги — 2 нафар бюджет ва 2 нафар тўлов-контракт.
- Нейрожарроҳлик — 2 нафар бюджет ва 3 нафар тўлов-контракт.
- Тери-таносил касалликлари — 2 нафар тўлов-контракт.
- Морфология — 1 нафар бюджет, 1 нафар тўлов-контракт.
- Офтальмология — 1 нафар бюджет, 3 нафар тўлов-контракт.
- Қўлоқ, томоқ, бурун касалликлари (ЛОР) — 1 нафар бюджет, 2 нафар тўлов-контракт.
- Невропатология — 1 нафар бюджет ва 4 нафар тўлов-контракт.
- Урология — 4 нафар тўлов-контракт.
- Онкология — 1 нафар бюджет ва 6 нафар тўлов-контракт.
- Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси — 2 нафар бюджет ва 3 нафар тўлов-контракт.
- Болалар неврологияси — 1 нафар бюджет ва 2 нафар тўлов-контракт.
- Педиатрия — 2 нафар бюджет ва 3 нафар тўлов-контракт.

Фаргона вилояти бўйича:

- Кардиология — 2 нафар тўлов-контракт.
- Жарроҳлик — 2 нафар тўлов-контракт.
- Болалар жарроҳлиги — 1 нафар тўлов-контракт.
- Онкология — 1 нафар бюджет, 1 нафар тўлов-контракт.
- Қўлоқ, томоқ, бурун касалликлари (ЛОР) — 3 нафар тўлов-контракт.
- Невропатология — 1 нафар бюджет, 1 нафар тўлов-контракт.
- Наркология — 1 нафар бюджет, 1 нафар тўлов-контракт.
- Урология — 1 нафар тўлов-контракт.
- Офтальмология — 1 нафар тўлов-контракт.
- Болалар неврологияси — 1 нафар бюджет, 1 нафар тўлов-контракт.

- Болалар юқумли касалликлари — 1 нафар бюджет.
- Ички касалликлар (терапия) — 1 нафар бюджет.

Наманган вилояти бўйича:

- Жарроҳлик — 1 нафар тўлов-контракт.
- Ички касалликлар (терапия) — 1 нафар тўлов-контракт.
- Урология — 1 нафар бюджет, 1 нафар тўлов-контракт.
- Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси — 1 нафар тўлов-контракт.
- Болалар неврологияси — 1 нафар тўлов-контракт.

Тошкент вилояти бўйича:

- Тери-таносил касалликлари — 2 нафар бюджет.

Бакалаврият йўналишлари

Даволаш факультети бўйича:

Андижон вилояти — 28 нафар бюджет, 94 нафар тўлов-контракт.

Фаргона вилояти — 30 нафар бюджет, 102 нафар тўлов-контракт.

Наманган вилояти — 16 нафар бюджет, 40 нафар тўлов-контракт.

Навоий вилояти — 1 нафар тўлов-контракт.

Бухоро вилояти — 1 нафар тўлов-контракт.

Жиззах вилояти — 2 нафар тўлов-контракт.

Тошкент вилояти — 3 нафар тўлов-контракт.

Сирдарё вилояти — 1 нафар тўлов-контракт.

Сурхондарё вилояти — 6 нафар тўлов-контракт.

Қашқадарё вилояти — 1 нафар тўлов-контракт.

Педиатрия факультети бўйича:

Андижон вилояти — 18 нафар бюджет, 54 нафар тўлов-контракт.

Фаргона вилояти — 24 нафар бюджет, 68 нафар тўлов-контракт.

Наманган вилояти — 8 нафар бюджет, 18 нафар тўлов-контракт.

Олий малакали ҳамширалик иши бўйича:

Андижон вилояти — 11 нафар бюджет, 17 нафар тўлов-контракт.

Фаргона вилояти — 4 нафар бюджет, 1 нафар тўлов-контракт.

Наманган вилояти — 5 нафар бюджет, 6 нафар тўлов-контракт.

Тиббий педагогика факультети бўйича:

Андижон вилояти — 4 нафар бюджет, 15 нафар тўлов-контракт.

Фаргона вилояти — 2 нафар бюджет, 5 нафар тўлов-контракт.

Наманган вилояти — 2 нафар бюджет, 2 нафар тўлов-контракт.

Навоий вилояти — 1 нафар тўлов-контракт.

Институт маъмурияти.

ТЕЛЕФОН: (8-374) 237-50-83.

«KO'CHMAS MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Мичурина дала ҳовличилар» ҳудудида жойлашган пешайвон (терасса), ертўла, айвон, шийпон (беседка), бассейн ва ёғи ошхонадан иборат 67-сонли дала ҳовли такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 103 565 390 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 25 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 23 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи-дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги хисоб рақамиға тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Тел./факс: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Соҳибқирон Амир Темурнинг XIV аср иккинчи ярмида тарих саҳнасида чиқиши Марказий Осиё халқлари тақдирида том маънода улкан ўзгаришлар ясади. Бир ярим аср босқинчилар истибодидида қолган халқлар Амир Темур азму шижоати туфайли озодликка мушарраф бўлди.



Мустабид шўро тузуми барҳам топиб, Ватанимиз мустақилликка эришгач, тарихимизга ҳолис ва адолатли муносабат қарор топди. Чунончи, Соҳибқирон бобомиз ҳаёти ва фаолияти ҳақиқат нуқтаи назаридан ёритила бошланди, номи шарафланди, асл кадр-қиммати қайта тикланди. Президентимизнинг ташаббуси билан 1993 йил пойтахтимиз марказида Амир Темурга мухташам ҳайкал ўрнатилди. Республикаимизнинг қадимий ва навқирон шаҳарларида ҳам ана шундай ҳайкаллар тикланди, Соҳибқирон бобомиз номи билан боғлиқ обидалар таъмирланди. Мана, мустақиллик даврининг ўтган 23 йили мобайнида

дир. Зеро, Соҳибқироннинг ҳалоскорлик фаолияти шу қадар улкан тарихий аҳамиятга эгаки, мана, бир неча асрдан бери дунё олимлари томонидан Амир Темур ва темурийлар даври турли фанлар нуқтаи назаридан ўрганилаётди. Аввало, бу давр Амир Темур ва темурийларга замондош муаррихлари ҳайратга солгани сир эмас. Ана шундай кишилардан бири Гиёсиддин Али ибн Жамол Яздий “Хиндистоннинг газавоти рўнома”сини 1399 ва 1403 йиллар орасида ёзиб, Амир Темурга тақдим этган. Лекин асар, воқеалар тавсифи нуқтаи назаридан ҳаққоний бўлса-да, Соҳибқиронга ҳаддан ташқари хушомадгўй-

лик руҳида ёзилгани учун Амир Темурга ёқмаган. Бироқ бу асар кейинроқ Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий асарларига асос бўлган.

Гиёсиддиннинг асари ёқмагани боис Амир Темур ҳижрий милодий 1401-1402 йили ўзи билан 1392 йилдан бери ҳарбий юришларида иштирок этган Низомиддин Шомийга содда тилда, сарой солномаларига асосланиб салтанат тарихини ёзишни буюради. Шомий 1404 йил ёзида “Зафарнома” асарини ёзиб битириб, Соҳибқиронга тақдим этади.

Ана шундай мукамал яна бир тарихий асарни Шарафуддин Али Яздий яратди. У бир неча йил Шохруҳ Мирзонинг ҳамда унинг кичик ўғли Иброҳим Султоннинг саройида хизмат қилади. Яздий шеърят, фалсафа ва илми ҳужумдан чуқур хабардор олим эди.

Яздийнинг иккинчи шарафли иши ўз “Зафарнома”сини яратганидир. Муаррих бу асарига Амир Темурнинг болалик йилларида нафотигача ва вафотидан кейинги бир неча ой ичида юз берган воқеаларни ҳам киритган. Унинг “Зафарнома”си Темур ва темурийлар тарихига оид энг мукамал асар ҳисобланади. Шохруҳ Мирзо ва ундан кейинги темурийлар саройида

хизмат қилган барча муаррихлар Яздий “Зафарнома”сидан фойдаланганлар.

1996 йили апрель ойида Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида дунё мижёсида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги

ганлиги туфайли кўплаб олимлар бу ерда хотиржам яшаб, баркамол ижод қилдилар. Амир Темур ҳаётлиги давридаёқ салтанат пойтахти Самарқандга кўплаб олимлар тўпланди. Соҳибқирондаги фанларга, маданият ва меъморчиликка бўлган юксак иштиёқ унинг авлодларида ҳам сақланди. Бу борада энг юксак поғонада турган авлоди — тўртинчи ўғли Шохруҳ Мирзонинг фарзанди Мирзо Улугбек. У ўзининг астрономия ва математика соҳасида эришган юксак ютуқлари билан темурийлар давлатига катта шухрат келтирди. Улугбек буюк бобосининг аъёналарини давом эттириб, илм-фани ривожлантириш бўйича катта ишлар олиб борди.

Албатта, ўрта асрлар астрономияси ва математикасининг дурдонаси Улугбек “Зижи”дир. Улугбек номини дунёга машҳур қилган бу асар “Зижи Улугбек”, “Зижи Султоний” ва “Зижи ҳади-Кўрагоний” номлари билан маълум. Ҳозирги кунгача бу асарга кўплаб шарҳлар ёзилган ва унинг парчалари ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда босилиб чиққан.

Улугбек “Зижи”га бўлган қизиқиш бизнинг кунларда ҳам давом этаётди. Унда келтирилган шаҳарлар ва юлдузларнинг сферик координатлари қитъалар дрейфи назариси нуқтаи назаридан жуда катта аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Соҳибқирон бобомиз асос солган буюк давлатчилик асослари, ўша даврдаги илм-фан ривож дунё тамаддунида муҳим ўрин тутди. Бугун дунё сари юзланаётган мустақил дийёримизда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг сўнмас қудрати ва заковатидан далолат беради.

Ашраф АҲМЕДОВ,
тарих фанлари доктори.

МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИ

Спорт

Теннисчиларимиз муваффақияти

Халқаро теннис федерацияси (ITF) шафелигида ўтказилаётган Дэвис кубогининг Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳидан жой олган Ўзбекистон терма жамоаси сафарда муҳим ғалабага эришди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси матбуот хизмати хабар тарқатди. Хитойда ўтган учрашувнинг дастлабки кунда мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин мезбонлар вакили Чжан Цзэга қарши қорғта чиқиб, 6:4, 4:6, 3:6, 6:3, 6:4 ҳисобида зафар кучди. Фаррух Дўстов эса Хитойнинг айни пайтдаги энг кучли ракетка устаси — Ву Ди билан рўбарў келди ва 6:1, 6:7, 6:7, 6:3, 7:9 ҳисобида имкониятни бой берди.

Қондага кўра, мусобақанинг иккинчи кунда жуфтликлар ўртасида баҳс ўтказилди. Унда Денис Истомин ва Фаррух Дўстов бирлигида Мао-Синь Гун ҳамда Чжэ Ли тандемини 6:4, 6:2, 6:2 натижаси билан мағлубиятга учратдилар.

Сўнгги кунги беллашувда дастлаб ҳар икки терма жамоанинг биринчи рақамли теннисчилари — Денис Истомин ва Ву Ди қорғта чиқди. Мазкур учрашув 6:1, 5:7, 3:6, 5:7 ҳисобида хитойлик теннисчининг фойдасига ҳал бўлди. Шу тарика умумий натижа яна тенглашди — 2:2.

Хал қилувчи ўйинда терма жамоаларнинг иккинчи рақамли ракетка устаслари — Фаррух Дўстов ҳамда Чжан Цзэ ўзаро куч сынашди. Бу баҳсда Фаррух ўзига билдирилган ишончи оқлади ва 6:2, 1:6, 6:3, 6:7, 6:3 ҳисобида зафар кучиб, терма жамоамизга муҳим очкони тақдим этди.

Шундай қилиб, теннисчиларимиз Дэвис кубогининг жаҳон гуруҳига чиқиш учун плей-офф босқичида иштирок этадиган бўлишди.

ПараОсиё ўйинларига яна бир йўлланма

Шу кунларда Бирлашган Араб Амирикларининг Дубай шаҳрида пауэрлифтинг (Паралимпия огир атлетикаси) бўйича ёшлар ва катталар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Дунёнинг олтишга яқин давлати вакиллари иштирок этаётган мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Искандар Турсунбоев вази 65 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида ажойиб натижага эришди. У уч уринишда 120 килограмм оғирликдаги тошни ўзига бўйсундириб, жаҳон чемпионати-

нинг кумуш медали ҳамда шу йил Жануви Корейнинг Инчон шаҳрида бўладиган ПараОсиё ўйинларига йўлланмани кўлга киритди.

Демак, вакилларимизнинг ПараОсиё ўйинларига олган лицензияси сони тўққизтага етди.

Ш. ОРТИҚОВ
тойёрлади.

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуасида дзюдо бўйича эркалар ва хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган қизқарли беллашувлар якунига кўра, эркалар ўртасида Диёр Урозбоев (-60 кг.), Мирзохид Фармонов (-66 кг.), Сарвар Шомуродов (-73 кг.), Шухрат Арслонов (-81 кг.), Шерали Жўраев (-90 кг.), Соиб Курбонов (-100 кг.) ва Элёр Машари-

Чемпионлар аниқланди

пов (+100 кг.) ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлди.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда эса Муҳаддас Кубеева (-48 кг.), Зарифа Султонова (-52 кг.), Шоҳида Назарова (-57 кг.), Шоҳиста Сафарова (-63 кг.), Гулноза Матниёзова (-70 кг.), Кумуш Йўлдошева (-78 кг.), Обида Алладжоева (-78 кг.) биринчи ўринни эгаллади.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси
тақдим этади!

«МАРДИ МАЙДОН»
жонли ижродаги кўшиқлар фестивали

Фестиваль йўналишлари:
● эстрада;
● анъанавий ижрочилик;
● академик вокал.

Фестивалнинг асосий шарт: кўшиқлар фақат жонли ижро этилади.

Фестивалнинг асосий мезони: кўшиқларнинг янгилиги, оригиналиги, матннинг таъсирчан ва бадий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, саҳна ҳаракати, нутқ маданияти ҳамда ижро услубидир.

Фестивалда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар иштирок этади.

Фестиваль лауреатлари 2014 йил сўнггида фестивал якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Кўшимча маълумотларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлинмаларидан, шунингдек, интернетдаги www.uzbeknavo.uz сайти орқали олиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.

and H Industry
Construction Equipment & Service

Иностранное предприятие ООО «С and H Industry»

предлагает

ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНУЮ ТЕХНИКУ

Под заказ.

Адрес: г. Ташкент, 100015, Мирабадский р-н, ул. Айбека, 38 «А», бизнес-центр «Авалон», 2-й этаж.
Тел./факс (+99871) 252-50-03, моб.: (+99891) 162-52-86, (+99891) 162-52-85.
E-mail: uzvolvo@gmail.com

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Фармакология ва клиник фармация кафедраси катта ўқитувчиси

Асоимдин АБЖАМИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 605 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.25 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Набатчи — Д. Содиқов.
Мусаххих — Ш. Машраббоев.